СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXV СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 45 (5649).

4 МАРТ ПАЙШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МОСКВАДА, СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXV СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА.

ИРОДА БИРЛИГИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съезди кун тартибидаги биринчи масалани муҳокама қилиб бўлди ва якдиллик билан Резолюция қабул қилди. Резолюцияда бундай дейилади.

«Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладини тинглаб ва муҳокама этиб қарор қилади:

1. Партия Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолияти тўла-тўкис маъқуллансин.

2. КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот доклади маъқуллансин ҳамда барча партия ташкилотларига ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладида олға сурилган қонда ва вазифаларга ўз ишларида, амал қилиш таклиф этилсин».

Ўз шакли жиҳатдан қисқа ва лўнда бўлган бу Резолюцияда чуқур ва илҳомбахш маъно бор. Резолюцияда ўз съездига ҳар қачонгидан кўра жиддийроқ бўлиб, ғоявий ва сиёсий жиҳатдан яхлит бўлиб, совет халқининг чексиз ишончи ва қизғин меҳр-муҳаббатини қозонган кўп миллионли бутун партиянинг иродаси ифодаланган.

Ўтган беш йилликнинг якунлари, қилинган ишларнинг улуғворлиги бизнинг кўз олдимизда намоён бўлиб турган кенг ва порлоқ истиқболлар партия Ленин йўлидан ишонч билан борганлигини ва бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Партия ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг, бутун халқнинг сиёсий йўлбошчиси бўлиш ролини муносиб равишда бажармоқда. У илмий асосда олдиндан кўриш ва сиёсий реализм кучини, оммани бирлаштиришга ва руҳлантиришга, оммани ғайратини коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга йўллашга қодир эканлигини амалда намойиш қилмоқда. Партия марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми революцион байроғини баланд кўтариб бормоқда. Ўз зиммасидаги тарихий вазифани шараф билан бажармоқда, коммунистик идеаллар тантанаси учун ҳормай-толмай курашмоқда. Советлар мамлакати ҳар томонлама тараққий этганлиги, унинг позициялари ва халқаро майдондаги нуфузи янада мустаҳкамланганлиги — ленинизмнинг янги тантанасидир. Съездда ўқтириб айтилганидек мана шуларнинг ҳаммаси партиямизнинг жангговар штаби — КПСС Марказий Комитети, унинг Марказий Комитет Бош секретари, юксак иродали ленинчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси қилган жуда катта хизматнинг натижасидир, улар муайян мақсад йўлида актив иш олиб борганлигининг, коллектив бўлиб ишлаб чиқилган партия ички ва ташқи сиёсати муваффақиятли равишда ўтказилиб келаётганлигининг натижасидир.

КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботини съезд, у билан бирга эса бутун партия, бутун халқимиз, қардош социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, социал ва миллий озодлик учун курашчилар, тинчлик ва тараққиёт идеалларини қадрлаётган кишиларнинг ҳаммаси ғоят руҳланиб кутиб олдилар. Янги жамият қурувчилар ғоят катта сиёсий ва назарий аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатга кўп йиллар давомида мурожаат қилаверадилар. Бу ҳужжатдан руҳланаверадилар ва истиқболнинг равшанлигини кўриб турадилар, янги дунё — ҳақиқат дунёси, озодлик дунёси, халқ бахти дунёсининг катта ва мураккаб вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг жуда муҳим қонуниятларини, йўлларини ва воситаларини тушуниб олаверадилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев деклади марксизм-ленинизм таълимотини ижодий ривожлантириш йўлида қўйилган улкан қадамдир. Илмий коммунизм назарияси ва практикаси янги қондалар ва хулосалар билан бойитилди. Эндиликда коммунистларнинг ҳозирги замондаги ғоявий-сиёсий куч ва қувват манбаини ана шу янги қондаларсиз ва хулосаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Докладда совет социалистик жамиятини коммунизм йўлида сиёсий, социал-иқтисодий ва маънавий ривожлантириш стратегияси белгилаб берилди, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар эркинлиги ва мустақиллиги учун курашни давом эттириш программаси ишлаб чиқилди.

КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладини барча республикалар вакиллари — партия раҳбарлари, ишчилар, колхозчилар, фан, адабиёт ва санъат арбоблари иштироки билан муҳокама қилиш тўла-якдиллик вазиятида ўтди ҳамда ғоят конструктив, ишчанлик ва принципал характерда бўлди. Улар КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини, ўртоқ Л. И. Брежнев докладида қўйилган қондалар ва вазифаларни қизғин маъқуллаб, ўтган беш йил якунларини анализ қилиб чиқдилар, мамлакатнинг ҳозирги аҳволи ва келажаги тўғрисида фикр юритдилар. Делегатлар эришилган натижаларга муносиб баҳо бермоқдалар, диққат ва эътиборни ҳал этилмаган вазифаларга, мавжуд камчиликларга қаратмоқдалар. Улар ўз нутқларида ғоят муҳим таклифларни айтмоқдалар, ўз фаолиятларини ўз-ўзини танқид руҳида, талабчанлик билан баҳоламоқдалар.

Бутун партиямизда бўлгани каби съездда ҳам ленинча ижодкорлик иш услуби ҳукмрон бўлиб турибди. Съездда айтилаётган гаплар ва съезднинг бутун вазияти муайян мақсадга қаратилган ишчанлик, оптимизм руҳи билан суғорилган. Мана шунинг ўзида партия ва халқ улуғ ишининг муваффақиятига қатъий ишонч, планларимиз реаллигига бўлган эътиқод, модомики партия ўзининг коллектив ақл-идроки билан мақсадни белгилаб олиб, ўз олдига ва бутун мамлакат олдига вазифа қўяр экан, бу мақсадга албатта эришилади, бу вазифалар албатта ҳал этилади деган аниқ тушунча намоён бўлмоқда. Пролетар интернационализми, халқлар дўстлиги, тинчлик учун кураш байроғига партиямизнинг содиқлиги съездда баралла янгради.

КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладида келажак учун белгилаб берилган йўлни съезд делегатлари тўла-тўкис ва якдиллик билан қўллаб-қувватлади ва партия билан халқ қизғин маъқуллади. Ҳисобот доклади ҳаракат учун мустаҳкам қўлланма бўлиб қолди, келгусида қилинадиган улуғвор бунёдкорликларга қудратли куч бағишлайди.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда. Кеча «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги докладни муҳокама қилиш бошланди. 1 март куни шу ҳақда СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ А. Н. Косигин доклад қилди.

Совет халқи, бутун дунёдаги кишилар шуни кўриб турибдиларки, инсоннинг бахт-саодати — ленинчи партия сиёсатининг ва фаолиятининг асосий моҳиятидир. Бу ғоят буюк инсонпарварлик мақсади партия билан халқни бир-бирига чамбарчас қилиб боғлаган. Партия билан халқнинг ирода бирлиги, уларнинг ғоят улкан бунёдкорлик ғайрати КПСС XXV съезди планлаштириб бераётган катта ва мураккаб ишининг муваффақиятини таъминлайди. Бу билан ер юзида биринчи коммунистик жамият қуриш йилномасига янги ажойиб саҳифа ёзилади.

(«ПРАВДА»нинг 3 мартдаги бош мақоласи).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «1976—1980 ЙИЛЛАРДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ТЎҒРИСИДАГИ ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXV СЪЕЗДИНИНГ

ҚАРОРИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXV СЪЕЗДИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИННИНГ 1976—1980 ЙИЛЛАРДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ДОКЛАДИНИ ТИНГЛАБ ВА МУҲОКАМА ЭТИБ, ҚАРОР ҚИЛАДИ:

УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ДАВОМИДА ТЎЛА-ТЎКИС МАЪҚУЛЛАНГАН 1976—1980 ЙИЛЛАРДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАСДИҚЛАНСИН.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРГА АМАЛ ҚИЛИБ, 1976—1980 ЙИЛЛАРДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДАВЛАТ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИ, БЕШ ЙИЛЛИК ЙИЛЛАРИ БУЙИЧА ВА СССР МИНИСТРЛИКЛАРИ, ИДОРАЛАРИ ҲАМДА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР БУЙИЧА ТОПШИРИҚЛАРНИ БЕЛГИЛАБ ҚУЙИШНИ ТАЪМИНЛАСИН.

УНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВАҚТИДА КПСС XXV СЪЕЗДИДА, ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР КОМПАРТИЯЛАРИНИНГ СЪЕЗДЛАРИДА, ЎЛКА, ОБЛАСТЬ, ШАҲАР ВА РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА, БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА, МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИДА ВА МАТБУОТДА, ШУНИНГДЕК ИШЧИЛАР, КОЛХОЗЧИЛАР, ИНЖЕНЕР ВА ТЕХНИКЛАРНИНГ, ФАН ВА МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИНИНГ ХАТЛАРИДА КИРИТИЛГАН ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛСИН.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ 1976—1980 ЙИЛЛАРДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЛОЙИҲАСИНИ 1976 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ ОЙИДА СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МУҲОКАМАСИГА ТАҚДИМ ЭТСИН.

КПСС XXV СЪЕЗДИ СОЦИАЛИСТИК ЭКОНОМИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ ИШЛАБ ЧИҚИБ, АМАЛГА ОШИРИШНИ БАРЧА ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ, КОМСОМОЛ ВА ХЎЖАЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ХЎЖАЛИК-СИЁСИЙ ВАЗИФАСИ ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.

ЎРТОҚ А. Н. КОСИГИННИНГ ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

Делегат ўртоқлар!

Бугун съезд 1976—1980 йилларда Совет Иттифоқи халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари лойиҳасининг 2,5 ойдан кўпроқ давом этган чиҳакам умумхалқ муҳокамасини якунлайди. Шу масала юзасидан съезд қабул қиладиган қарорлар жамиятимиз ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлади: бу қарорлар партия билан халқ социал-иқтисодий сиёсатининг, янги беш йилликда коммунизм моддий-техника базасини қуриш соҳасидаги бутун фаолиятининг конкрет мазмунини белгилаб беради.

Съездда сўзга чиққан ҳамма ўртоқлар Марказий Комитет томонидан съезд муҳокамасига тақдим этилган асосий йўналишларнинг лойиҳасини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар ва унга юқори баҳо бердилар. Съезд комиссияси қабул қилган тузатишлар киритилган лойиҳа делегатларга тарқатилган. Бу ҳужжатда асосий йўналишлар лойиҳаси мамлакатда муҳокама этилабошлаган пайтдан бери партия Марказий Комитети ўтказган катта ишнинг якуни умумлашган тарзда ифода этилган. Съезд бошланмасдан аввалоқ сиёсий бюро тузган махсус комиссия Марказий Комитетнинг лойиҳаси хусусида иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида, партия конференцияларида айтилган, матбуотда эълон қилинган ва гражданларнинг хатларида баён этилган таклифларни кўриб чиққан эди. Марказий Комитет лойиҳасига киритилган тузатишлар XXV съезд делегатлари айтган таклифлар билан бирга съезд комиссиясига тақдим этилди, комиссия шу таклифлар ва тузатишларни кўриб чиқиб, сизларнинг тасдиғингизга ҳавола этади.

Делегатларга тарқатилган ҳужжатга кирмай қолган бир қанча таклифлар ва қўшимчаларни марказдаги ҳамда жойлардаги раҳбар органлар кўриб чиқиб, амалий ишда имкони борича ҳисобга оладилар.

Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг докладига, съезд қабул этадиган асосий йўналишларга амал қилиб, яқин ойлар ичида беш йиллик планни узилкесил ишлаб чиқиб, уни КПСС Марказий Комитети Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси муҳокамасига қўйиш зарур.

Янги беш йилликдаги хўжалик фаолиятининг кўламларини ҳамда унинг самарадорлик ва сифатни ҳар тарафлама ошириш билан боғлиқ бўлган хусусиятларини ҳисобга олиб, катта ва мураккаб иш қилиш ҳамда план лойиҳасини аниқ белгиланган муддатларда тузиб чиқиш керак. Бу — халқ хўжалиги ҳамма бўғинларининг аниқ ва бир маромдаги фаолиятини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Биз беш йиллик улуғвор вазифаларини бажариш соҳасидаги ишни ташкил этар эканмиз, бу вазифалар ўнинчи беш йилликда мамлакатимиз барча меҳнаткашлари ижодий активлигининг доимий манбаи бўлиб қолиши учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилишимиз лозим.

Совет халқининг сиёсий бирлиги, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар манфаатлари ва мақсадларининг муштараклиги ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга бутун кучларини сарфлашларининг гарови бўлиб хизмат қилади (**Қарсаклар**). Партия тарбиясини олган хўжалик, инженер-техник ва маъмурий кадрлар ўз олдиларига қўйилган янги вазифалар юксаклигида бўлишларининг, совет олимлари ватанимизнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва социал тараққиёт йўлидан қилаётган ҳаракатини тезлаштириш учун янги имкониятлар очиб беришларининг - гаровидир. (**Қарсаклар**). Хўжалик фаолиятининг истисносиз ҳамма участкаларидаги моҳирона ташкилотчилик иши, ишга масъулиятли муносабатда бўлиш, давлат ва меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилиш социалистик мусобақани ва меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини кенг қулоч ёздириш беш йилликнинг муваффақиятини кўп жиҳатдан ҳал этиб беради.

Ўртоқлар! Съезд қарорлари, ўнинчи беш йилликда биз ўз олдимизга қўйдиган вазифаларнинг кўламлари буюк ғайрат ва илҳомни юзага келтириши табиий. Шу сабабли биз съездда партиямиз ўртага қўйдиган мақсадларга албатта эришажагимизни яхши биламиз. Марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган, буюк сиёсий ва ташкилотчилик тажрибасини орттирган Коммунистик партиямиз комил ишонч билан коммунизм йўлини очиб бормоқда. (**Давомли қарсаклар**). Кўп миллионли совет халқи — янги турмуш бунёдкори, ижодкори бўлган халқ партия раҳбарлигида коммунизм сари бормоқда. (**Гулдурос, давомли қарсаклар, ҳамма ўрнидан турди**).

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди 3 март куни Москвада, Кремлдаги Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. КОСИГИН докладини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокараларда СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиши министри Н. В. ГОЛДИН, КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари А. И. ШИБАЕВ, Иркутск область, Байкал-Амур магистрали қурилишидаги 266-қурилиш монтаж поезди бетончи монтажчилар бригадасининг бошлиғи Л. Д. КАЗАКОВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган Канада Коммунистик партиясининг Бош секретари УИЛЬЯМ КАШТАН, Венесуэла Коммунистик партиясининг Бош секретари ХЕСУС ФАРИА, Перу Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ХОРХЕ ДЕЛЬ ПРАДО ўртоқлар съездни табрикладилар.

Сўнгра ўртоқ А. Н. Косигин докладини муҳокама қилишда СССР Маориф министри М. А. ПРОКОФЬЕВ, КПСС Бурятия область комитетининг биринчи секретари А. У. МОДОГОЕВ, СССР Енгил саноат министри Н. Н. ТАРАСОВ, КПСС Доғистон область комитетининг биринчи секретари М. С. И. УМАХАНОВ ўртоқлар қатнашдилар.

Кечқурунги мажлисда КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари П. С. ФЕДИРКО, СССР станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри А. И. КОСТОУСОВ, Куйбишевдаги «Россия» шоколад фабрикасининг директори Е. В. ШПАКОВА, КПСС Белгород область комитетининг биринчи секретари М. П. ТРУНОВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Съезд «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги доклад юзасидан музокараларни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Делегатлар ва меҳмонлар томонидан самимий кутиб олинган ўртоқ А. Н. КОСИГИН якунловчи нутқ сўзлади.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги лойиҳаси юзасидан якдиллик билан қарор қабул қилди. Қарор лойиҳасини съезд тузган комиссия номидан Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. М. МАШЕРОВ ўқиб эшиттирди.

Съезд номига кўпдан-кўп рапортлар ва мактублар келиб турибди. Корхоналар, ташкилотлар ва қурилишларнинг, ўқув юртлари, колхозлар ва совхозларнинг коллективлари, Совет Армияси ва Флотининг жангчилари қизғин қутловлар йўлламоқдалар, ўзларининг меҳнатдаги муваффақиятлари ва ютуқларини хабар қилмоқдалар.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти СССР Министрининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида 1976 йил 1 мартда КПСС нинг XXV съездида қилган докладини ўзбек тилида алоҳида китобча қилиб босмадан чиқарди.

Китобча кўп нусхада нашр этилди.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН — КОММУНИЗМ САРИ

Кремлда КПСС XXV съезди давом этмоқда. Делегатлар ўртоқ А. Н. Косигиннинг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги докладини чуқур манфаатдорлик ва катта масъулиятни ҳис этиб, муҳокама қилдилар. Бу ҳужжатда партиянинг иқтисодий ва социал сиёсатига мувофиқ мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини қуришни давом эттириш программаси баён қилиб берилган.

Съездда чет эл коммунистик, ишчи, миллий-демократик ва социалистик партияларининг вакиллари сўзга чиқмоқдалар. Улар ўз нутқларида Совет Иттифоқи коммунистлари анжуманини табриклаб, унинг ишига муваффақиятлар тиламоқдалар, янги жамият — ер юзида энг адолатли жамият қуришда буюк ўрнак кўрсатилаётганлиги учун ташаккур сўзларини айтмоқдалар. Меҳмонлар шу ерда, Кремлда бундан беш йил муқаддам қабул қилинган Тинчлик программасини амалга оширишда КПСС, партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ролига юксак баҳо бермоқдалар.

Съезд делегатлари ва меҳмонлар совет халқи турмушининг моддий ва маданий даражаси ошиб бораётганлигини айтмоқдалар. Бу — Коммунистик партия раҳбарлигидаги халқимиз кўрсатаётган юксак меҳнат активлигининг натижасидир.

2 МАРТ, КЕЧКИ МАЖЛИС.

Тула областидаги Ленин номли колхоз раиси ўртоқ **В. А. Стародубцев** сўзга чиқиб айтдики, биз ҳаммамиз КПСС аграр сиёсати тўғри ва доно сиёсат эканлигини кун сайин яққол кўриб турибмиз, деб айтсам, миллион-миллион совет деҳқонларининг дилидаги энг эзгу фикрларини ҳамда ҳис туйғуларини ифодалаган бўламан, мен бунга аминман. Биз бу сиёсатни буткул қувватлаймиз ва маъқуллаймиз. Партиянинг аграр сиёсати қишлоқ хўжалигини тўхтовсиз юксалтиришни таъминламоқда, совет халқининг ҳаётий эҳтиёжларига мос бўлиб тушмоқда. Партия аграр сиёсатининг кучи шундаки, бу сиёсат чуқур илмий негизга асосланган бўлиб, унда ривожланган социализмга хос бўлган иқтисодий қонунлар ва қонуниятлар аниқ ҳисобга олинган.

Ўртоқ В. А. Стародубцев хўжаликлараро кооперациялаш ва саноатни интеграциялаш асосида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, концентрациялаш ишларини янада кучайтириш зарурлигини айтиб, ўз колхозининг тажрибасини яққол мисол қилиб келтирди.

Делегат СССР Госстройи ва СССР қишлоқ хўжалиги министрлиги шаънига бир қанча танқидий гапларни айтиб, улар чорвачилик комплексларини қуриш ишида ягона қурилиш ва технология сиёсатини ҳануз ишлаб чиқмаганликларини кўрсатиб ўтди.

Пировардида ўртоқ В. А. Стародубцев атроф муҳитни сақлашни яхшилаш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш масалаларига тўхталиб ўтди.

Минбарда — ВЦСПС секретари ўртоқ **В. И. Прохоров.** Ўз сафларида 107 миллиондан кўпроқ меҳнатчиларни бирлаштириб турган совет касаба союзлари, деди у, КПСС Марказий Комитетининг доно сиёсий йўлини ва кўп қиррали амалий фаолиятини якдиллик билан қувватламоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев докладидаги хулосалар ва қондаларни тўла-тўкис ва батамом маъқулламоқдалар ҳамда бу хулосалар ва қондаларни мамлакатни бундан буён ривожлантиришнинг илҳомбахш программаси, деб қабул қилмоқдалар.

Нотиқ 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида гапириб, касаба союзларининг қилаётган ишларини, уларнинг социалистик мусобақани ташкил этишни яхшилашдаги ролини гапириб берди. У социалистик ишлаб чиқаришни бошқаришда, социал тараққиёт программасини амалга оширишда омманинг активлиги ўсиб бораётганлигини яққол кўрсатувчи фактларни айтиб берди. Касаба Союзлар ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини планли равишда оширишга, халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини ўстиришнинг бошқа масалаларини ҳал этишга ёрдамлашдилар.

(Давоми 2-бетда).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXV СЪЕЗДИ

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН—КОММУНИЗМ САРИ

(Бошн 1-бетда).

Касаба союзлари деди ВЦСПС секретари, план ва шартнома интизомини кучайтириш тўғрисидаги талабларни амалга ошириши бутун чоралар билан қўллаб-қувватламоқдалар ва бу ишда актив қатнашмоқдалар. Ишлаб чиқаришни кооперациялашга доир шартнома шартларига риоя қилмасдик ускуналарнинг тўхтаб қолишига, иш вақтининг нобуд бўлишига, ишлаб чиқариш жараёнларининг бир маромда бормаслигига олиб келмоқда, брак юзага келишига сабаб бўлмоқда, меҳнат интизомини бўшаштирмоқда.

Қишлоқ хўжалиги сингари муҳим ишлаб чиқариш соҳасига касаба союзларининг таъсир ўтказиш имконияти анча кенгайиб бормоқда. Касаба союзлари бирлаштираётган қишлоқ хўжалик ишчилари ва хизматчиларнинг сони қўпайиб, беш йил ичида 15 миллион кишидан 18 миллион кишига етди.

КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладида касаба союзлари ўзларининг ташкилий структураларини такомиллаштириш орқада қолаётганликлари айтиб ўтилди. Касаба союзлари бу танқидни мутлақо ҳақли танқид деб тан олиб, ишлаб чиқариш касаба союзларининг ташкилий структурасини саноатни бошқаришнинг ҳозирги мавжуд структурасига мувофиқлаштириб оладилар, деди нотиқ.

Делегат сўзини давом эттириб бундай деди: меҳнаткашларнинг деярли 99 процентини, яъни аслини олганда бутун ишчилар синфи, меҳнаткаш зиёлилар, қишлоқ меҳнатчиларининг кўп сонли отрядларини бирлаштирган совет касаба союзлари партиянинг доимий ёрдамини ва кундалик раҳбарлигини ҳар кун сезиб турибдилар. Партия съездлари ва партия конференциялари, шу съездлар ва конференцияларда қатнашиш, партиямизнинг арбоблари билан ва айниқса ленинча услубни, зийраклиги ва одамийлиги ўзида мужассамлантирган ўртоқ Л. И. Брежнев билан бўлаётган учрашувлар сиёсий етуклигинг чинакам ленинча мактабидир.

Совет касаба союзлари, деди ўртоқ В. И. Прохоров, КПСС XXV съездининг қарорларини, ўнинчи беш йиллиқнинг ғоят катта планларини амалга ошириш учун бутун кучларини сарфлайдилар.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министри ўртоқ П. С. Непорожний сўзга чиқиб айтдики, кенг авж олиб кетган социалистик мусобақа натижасида, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари муайян мақсадни кўзлаб иш олиб бораётганликлари натижасида бизнинг тармоғимиз КПСС XXIV съезди Директиваларининг асосий топшириқларини бажарди.

Энергия қувватларини концентрациялашни давом эттириш совет электро энергетикасини ривожлантиришнинг асосий йўналиши бўлиб қолди: ҳозирги вақтда электр энергиянинг ярмидан кўпроғи катта блоклари бўлган кучли электростанцияларда ҳосил қилинмоқда.

Ўнинчи беш йиллик, деди нотиқ, совет энергетикасини сифат жиҳатдан янги техникавий негизда янада ривожлантириш учун старт бошлаб бериши лозим. Бинобарин, иссиқ нейтронлар билан ишлайдиган реакторларга эга бўлган катта атом станциялар барпо қилинади: паст навли арзон қўмирлари кўп бўлган ва очиқ усулда шу қўмирлар қазиб олинадиган районларда кучли иссиқлик электростанциялари қурилади; йирик гидроэлектр станциялар ва шу жумладан жаҳонда энг кучли 6,4 миллион киловаттли Саян-Шушенск ГЭСи барпо қилинади. Мамлакатнинг туташ электр системасини вужудга келтиришни давом эттирмоқ ва Сибирнинг арзон электр энергиясидан иборат катта-катта оқимларни марказий районларга юбортирмоқ учун юқори вольтли ноёб электр узатиш линияларини вужудга келтирилади.

Съезд қатнашчилари самимий кутиб олган Дания Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ **Кнуд Есперсен** съездни, КПССни, совет халқини ўртоқ Л. И. Брежнев докладида таъкидлаб ўтилган буюк муваффақиятлар билан табриклади. Бу муваффақиятлар жаҳондаги барча халқларда кучли таассурот қолдиради.

Ҳозирги даврда тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашда вужудга келаётган янги имкониятларни, деди ўртоқ К. Есперсен, социализмнинг ғалабасисиз ва Совет Иттифоқини мустаҳкамламай туриб, тасаввур этиш мумкин эмас.

Дания Компартиясининг вакили совет коммунистларининг XXV съезд қарорларини бажариш учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришувини тилади.

Съезд қатнашчилари Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси ўртоқ **Рамо Шейхони** давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Совет Иттифоқининг тўхтовсиз юксалиб бораётганлиги, деди у, — КПССнинг совет халқи турмуш даражасини муттасил оширишга қаратилган сиёсати тўғри сиёсат эканлигини яққол исбот этади. Бундай сиёсат барча тинчликсевар кучларнинг манфаатларига ҳам муносиб дир. Совет Иттифоқининг улуғвор ғалабалари айни вақтда бутун тараққийпарвар инсониятнинг, хусусан ривожланаётган ва озодлик, социал адолат, ҳуқуқий тенглик учун курашаётган мамлакатлар халқларининг ҳам ғалабасидир.

Нотиқ сўзини давом эттириб, бундай деди: араб мамлакатларининг империализм, сионизм ва реакция фитналарига қарши кураша олишлари, ўз экономикасини ривожлантириб, социал турмуш шароитларини яхшилай олишлари учун уларга бераётган иқтисодий ва сиёсий, шунингдек ҳарбий ёрдаминги зни мамлакатимиздаги барча ватанпарвар ва тараққийпарвар кучлар зўр мамнуният ва ташаккур туйғулари билан қабул қилмоқдалар. Империалистлар, сионистлар ва хоинлар бу ёрдамнинг характерини бузиб кўрсатишга уринмоқдалар. Аммо уларнинг даъволари воқеликка тамомила зиддир. Бунинг боиси шуки, сизнинг ёрдамингиз пролетар интернационализми принципларидан, улуғ Октябрь социалистик революцияси принципларидан келиб чиқади. Сизлар империализмга ва реакцияга қарши, порлоқ истиқбол учун курашаётган халқларга мадад берганингизда ана шу принципларга амал қилмоқдасиз. Сизларнинг араб мамлакатларига ва жумладан, Сурилга бераётган ёрдаминги з ана шу принципларга асосланган.

Бизнинг партиямиз, деб уқтириб ўтди ўртоқ Р. Шейхо, Сурининг империализмга ва сионизмга қарши қаратилган позицияларини мустаҳкамлаш йўлида ҳаракат қилиб келди ва ҳаракат қилиб келмоқда.

Колумбия Компартияси Марказий Комитетининг самимий кутиб олинган бош секретари ўртоқ **Хильберто Внейра** Колумбия Коммунистик партияси номидан КПСС XXV съездини табриклади.

Умри тугаб қолган империализм, деди у, жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатмай туриб ўз мавқеларини қўлдан бермайди ва Чилида бўлгани каби ҳиёнат қилиб, халқларга зарба беряпти. Шунинг учун ҳам КПСС XXV съездининг «Империализм ва реакция маҳбусларига озодлик!» баёноти жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу баёнот Луис Корвалан, Антонио Майдана, Хосе Луис Массеранинг ҳамда реакция ва империализм азоблаётган бошқа маҳбусларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уларни озод қилиш йўлидаги кураш қуролидир. Бу баёнот интернационал бирдамлик ҳужжатидир. Биз бунинг учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан астойдил миннатдормиз.

Съезд делегатлари ва меҳмонлари томонидан самимий кутиб олинган Ирландия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ **Майкл О'Риордан** минбарга чиқади. Совет коммунистларининг ҳар бир съезди, деди у, совет халқи учун истиқбол йўлини очиб берибгина қолмай, жаҳон тараққиётининг бутун боришини ҳам белгилаб беради.

Нотиқ сўзини давом эттириб, қуйидагиларни айтди: биз Ғарбий Европанинг бир чеккасидаги кичик оролдан бу ерга келдик. Биз капиталистик системанинг чуқур сиёсий, социал ва иқтисодий кризиси айниқса оғир сезилиб турган, ишсизлик авж олиб кетган мамлакатдан бу ерга келдик. Ишсизлик асосий проблема бўлиб қолди.

Бизнинг халқимиз олдида, деди нотиқ, жиддий проблемалар турибди. Бу проблемалар ишсизлик билангина боғланиб қолмай, аслида ҳаёт ва мамот проблемалари, халқимизнинг миллий келажаги проблемаларидир. Биз совет коммунистларининг шу муътабар съездида ўз олдимизда турган масалаларга ҳам берилган жавобларни тингладик.

Бу жавоблар, деди ўртоқ М. О'Риордан, халқлар қаҳрамонона курашининг натижаси, КПССнинг изчил интернационалистик фаолияти натижаси, жаҳондаги кучлар нисбати аввало Ленин партиясининг ғайратшижоати туфайли ўзгарганлиги натижасидир. Биз ҳозирги XXV съезд инсоният бахт-саодати йўлида кучлар нисбатини янада ўзгартириб юборишга ёрдам беражагига аминмиз.

Делегатлар КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги лойиҳасига тузатиш ва қўшимчаларни кўриб чиқиб, шу масала юзасидан қарор лойиҳасини тайёрлаш учун ўртоқ А. Н. Косигин раслигида 90 кишидан иборат комиссияни бир овоздан сайладилар.

* * *

3 март, эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Г. В. Романов** раслик қилди.

СССР оғир индустрия корхоналари қурилиши министри ўртоқ **Н. В. Голдин** биринчи бўлиб сўзга чиқди. Бутун совет халқи каби қурувчилар ҳам, деди у, содиқ ленинчи, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, тинчлик учун буюк курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг фаолиятини тўла-тўкис, яқдиллик билан маъқуллайдилар.

КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **А. И. Шибаев** минбарга чиқади. У областдаги хўжалик қурилишининг баъзи бир якунларини гапириб берди. Область партия ташкилоти, деди делегат, маҳсулот сифатини ошириш соҳасида катта иш олиб бормоқда. Саратовликлар меҳнатнинг ҳосилдорлигини оширишнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги лойиҳасини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда ўзларининг ҳиссаларини қўшишмоқдалар.

Сўнгра ўртоқ Л. Д. Казаков бундай деди: БАМ қурувчилари мендан бизга доимо оталарча меҳрибонлик қилаётганингиз учун, биз, қурувчилар меҳнат коллективларида, ўзимизнинг ва оиларимизнинг ҳаётида сезиб турган жуда катта ғамхўрлик учун шахсан сиз, азиз Леонид Ильичга энг қизғин миннатдорчилик, ҳурмат ва меҳр-муҳаббат сўзларини айтишни илтимос қилдилар.

Шу кунларда бутун дунёнинг нигоҳи партиямизнинг тарихий XXV съезди ўтаётган Москвага қаратилган, деди съезд делегатлари ва меҳмонлари томонидан самимий кутиб олинган Канада Коммунистик партиясининг Бош секретари ўртоқ **Уильям Каштан**.

Бизнинг делегациямиз, деди сўзини давом эттириб нотиқ, ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини юксак баҳолайди. Доклад бизни ғоят тўлқинлантирди. Унинг революцион мазмуни, жанговар руҳи, халқаро вазиятни марксизм-ленинизм асосида чуқур анализ қилиб берганлиги бизда жуда катта таассурот қолдирди. Буларнинг ҳаммаси КПССнинг, унинг Марказий Комитетининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ижодий марксча-ленинча позицияларини юксак даражада характерлаб турибди.

Биз шунга аминмиз, деди Канада Коммунистик партиясининг вакили, XXV съезд Совет Иттифоқининг тинчлик учун, кескинликни юмшатишни муқаррар тус олдириш ва ҳарбий соҳадаги кескинликни ҳам юмшатиш учун қурашдаги янги ташаббуслари туфайли буюк аҳамиятга эга бўлади.

Бизнинг партиямиз маочиларни ва уларнинг Советларга ва коммунизмга қарши бузғунчилик сиёсатини қоралайди, деди ўртоқ У. Каштан.

Венесуэла Компартиясининг Бош секретари ўртоқ **Хесус Фарнани** мажлис аҳли самимий кутиб олди. У Венесуэла Компартиясидан КПСС XXV съезди делегатлари ва меҳмонларига самимий салом топширди. Нотиқ Ленин партияси раҳбарлигидаги совет халқи жуда катта ғалабаларга эришганлигини таъкидлагач, бундай деди: «Биз бу ғалабаларни капитал зулмига қарши курашаётган ҳамма халқларнинг ғалабалари деб, шу курашчилар олдида янги истиқболлар очиб берадиган ғалабалар деб биламиз».

КПСС Марказий Комитетининг «Империализм ва реакция маҳбусларига озодлик!» деган баёноти чинакам интернационализмнинг жуда муҳим амалий кўриниши бўлди. Мен кўп йиллар қамоқда бўлдим, аммо дунё халқларининг ва аввало, совет халқининг бирдамлиги менга ҳамиша мадад берди.

Перу Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ **Хорхе Дель Прадо** минбарга чиқади. Съезд делегатлари ва меҳмонлари уни самимий кутиб оладилар.

Перу Компартияси, деб уқтирди нотиқ, революцион жараённи чуқурлаштириш йўлидаги курашда актив қатнашиб, бу жараённинг асосий кучи бўлган ишчилар синфи билан меҳнаткашларнинг роли оширилмоқда. Бу омиллар бизнинг мамлакатимиз учун социалистик истиқболни очишга қўйроқ кўмаклашмоқда. Перу ҳукумати ва халқининг тинчликсеварлик сиёсатини ҳамма тараққийпарвар ҳукуматлар социалистик мамлакатлар айниқса, Куба ва Совет Иттифоқи жуда қатъият билан қўллаб-қувватламоқдалар. Совет Иттифоқининг дўстлиги ва ҳамкорлиги империалистик агрессияга қарши курашда энг ишончли куч бўлиб турибди.

Мамлакатнинг 5 миллионлик маориф ходимлари армияси совет халқи кураши ва ғалабаларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладида мароқли тарзда баён этиб берилган якунларини қизғин маъқуллайди, деди СССР Маориф министри ўртоқ **М. А. Прокофьев** съезд минбарига чиқиб. Маориф ходимлари мамлакатни коммунизм йўлидан янада ривожлантириш программасини, иқтисодий ва социал ривожланиш программасини ўзларининг илҳомбахш меҳнатлари учун буюк чашма деб биладилар.

Тўққизинчи беш йилликда совет ўқитувчилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун қунт билан меҳнат қилдилар. Ҳисобот даврида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, СССР Олий Совети, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев мактабни такомиллаштириш ишига бениҳоя зўр эътибор бердилар. Умумий ўрта таълимга ўтишни ниҳоясига етказиш тўғрисидаги, қишлоқ мактаблари ҳақидаги ва шу каби бошқа бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди.

Ўртоқ М. А. Прокофьев совет мактаби тарихидаги энг катта ўзгартишларнинг бири — маорифнинг мазмунини КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ такомиллаштириш вазифаси амалга оширилганлигини айтиш билан бирга қуйидагиларни қайд қилди: маориф ходимлари бутун маориф системасини ва аввало ўрта мактабни янада жиддий равишда такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладида баён этилган қоидага тўла-тўкис ва батамом қўшиладилар. Совет ўқитувчилари партиянинг бу топшириғини бажариш учун ўнинчи беш йилликда сабот билан ишлайдилар.

Тўққизинчи беш йилликда улкан иқтисодий ва социал программани амалга ошириш натижалари, деди КПСС Бурятия область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **А. У. Модогоев**, мамлакат шарқий районлари мисолида айниқса яққол кўринади. Республикада ижтимоий маҳсулотнинг мутлақ ўсиши жиҳатидан тўққизинчи беш йиллик бундан аввалги беш йилликларнинг ҳаммасидан устун келади.

Тўққизинчи беш йиллиқнинг якунлари ҳамда шу беш йилликда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари партия билан ҳукумат халқнинг фаровонлигини юксалтириш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилаётганлигининг яққол далилидир, деди СССР Енгил саноат министри ўртоқ **Н. Н. Тарасов**.

Ўртоқ Н. Н. Тарасов ўнинчи беш йиллик мамлакат экономикасини ўстириш, халқ турмуш даражасини янада юксалтириш учун янги-янги истиқболлар очиб беради, деди. Меҳнаткашлар фаровонлигини оширишда, совет кишиларини ҳилма-хил моллар билан янада тўлароқ таъминлашда енгил саноатга каттагина ўрин ажратилади. У корхоналар олдида турган вазифаларга муфассал тўхтади.

Доғистон коммунистлари партия XXV съезди олдидан бўлиб ўтган ҳисобот сайлов йиғилишлари ва партия конференцияларида, деди КПСС Доғистон область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М.-С. И. Умахонов**, КПСС Марказий Комитетининг, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини яқдиллик билан маъқуллаб, қизғин қўллаб-қувватлаганликларини билдирдилар. Улар область партия ташкилотининг метиндек бирлиги ва жипслигини, партия режаларини амалга ошириш учун янада активроқ курашга тайёр турганликларини яна бир карра намойиш қилдилар.

Доғистон партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети раҳбарлигида янада мустаҳкамланди ҳамда сиёсий, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан чиниқди. Бу нарса республика олдида турган хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга имкон берди.

Ўртоқ А. Н. Косигиннинг докладида эртанги кунимизнинг улуғвор истиқболлари чуқур ва равшан очиб берилган, деди нотиқ. Доғистон олдида ҳам катта-катта вазифалар турибди: ўнинчи беш йилликда тўқкизинчи беш йилликка нисбатан бир ярим баравар кўп капитал маблағлар ўзлаштирилмоғи лозим.

3 март, кечқурунги мажлисда Красноярск ўлка партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **П. С. Федирко**га сўз берилади. Нотиқ КПСС XXV съездининг партиямиз учун, мамлакатимизда коммунизм қуриш, жаҳон коммунистик ҳаракатини ривожлантириш учун жуда катта тарихий аҳамиятини қайд этиб, Красноярск ўлкасини ривожлантириш проблемаларига батафсил тўхталди. Ўлка тўғрисидаги ғамхўрлик, — деди у, партия XXIV съезди Директиваларида, шунингдек «1971—1980 йилларда Красноярск ўлкасининг ишлаб чиқарувчи кучларини янада комплекс ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги махсус қарорда яққол ифодалаб берилган.

Ўлкани комплекс ривожлантириш программасининг реаллиги ва ҳаётийлигини шу ўлканинг улкан потенциал имкониятлари тасдиқлаб турибди.

Ҳозир Красноярск ўлкаси Саян тог этакларидан тортиб, қутб ортидаги Таймиргача чўзилган сал кам уч минг километрлик улкан қурилиш майдонига айланган.

Сўнгра делегат ишлаб чиқариш ва капитал қурилиш ҳажмларини қўпайтириш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун мавжуд резервлардан фойдаланиш тўғрисида гапирди.

Красноярск ўлкасининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари, деди у, мамлакат олдига КПСС XXV съезди қўйдиган коммунистик қурилишнинг янги программаси муваффақиятли амалга оширилиши ҳар бир меҳнатчининг, ҳар бир меҳнат коллективининг фидокорона ишига боғлиқ эканлигини жуда яхши биладилар.

КПССнинг XXIV ва XXV съездлари ўртасидаги даврда машинасозлик техникаси ва технологиясини такомиллаштиришда катта муваффақиятларга эришилди, деди СССР Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри ўртоқ **А. И. Костоусов**. Коммунистик партия экономиканинг шу **тармоғини ривожлантиришта** доимо катта эътибор бериб келди ва эътибор бермоқда.

Нотиқ станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлигининг вазифалари тўғрисида гапириб, тармоқ асбоб-ускуналарнинг энг илғор турларини ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ривожлантирмоқдаги маълум қилди.

Куйбишевдаги «Россия» шоколад фабрикасининг директори ўртоқ **Е. В. Шпакова** ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот сифатини ошириш проблемаларига ўз нуқтаи назаридан ёндашилди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида баён этган ғоялари ва қоидалари мазмуни чақиб, ўнинчи беш йилликда мамлакатимизда очилаётган истиқболларга назар ташлар эканмиз, деди Белгород область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. П. Трунов**, ҳозир партиямиз — коммунизм йўлини дадил ва ижодий равишда очаётган новаторлар партияси эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қиламиз.

Раслик қилувчи ўртоқ **Г. В. Романов** СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигиннинг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги доклади юзасидан музокараларда қатнашиш учун 61 киши ёзилганлигини, 19 киши сўзга чиққанлигини маълум қилади.

Делегатлар музокараларни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Съезд делегатлари ва меҳмонлари томонидан самимий кутиб олинган СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ **А. Н. Косигин** якунловчи нутқ сўзлади.

Сўнгра КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ **П. М. Машеров** съезд тузган комиссиянинг топшириғига биноан КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги лойиҳаси юзасидан қарор лойиҳасини ўқиб эшиттиради.

Съезд делегатлари бу қарорни бир овоздан қабул қилдилар.

Кечқурунги мажлис ёпиқ деб эълон қилинади.

КПСС XXV съезди 4 март куни ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

МОСКВА. Кремлдаги Съездлар саройи. КПСС XXV съезди. Суратда: мажлислар залида. ТАСС фотохроникаси.

ИНДУСТРИЯ ОДИМИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика индустрияси маҳсулотни реализация қилиш юзасидан январь—февраль планини 105 процент, меҳнат унумдорлиги планини 102,9 процент бажарди.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 4,7 процент, меҳнат унумдорлиги 2,4 процент ортди.

Қорақалпоғистон АССР, республиканинг барча областлари ва Тошкент шаҳри саноат маҳсулотини реализация қилиш юзасидан январь—февраль планини бажарди.

Қорақалпоғистон АССР, республиканинг областларида саноат ишлаб чиқариши планининг бажарилиши ва ўсиш суръатлари қуйидагича бўлди:

(Биринчи устун — февраль ойида маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиш проценти, иккинчи устун — январь—февраль ойи планининг бажарилиш проценти, учинчи устун — 1975 йилнинг шу даврига нисбатан январь—февраль ойи ялпи маҳсулоти, процент ҳисобида, тўртинчи устун — йиллик мажбуриятга нисбатан планга қўшимча реализация қилинган маҳсулот, процент ҳисобида):

Ўзбекистон ССР	105,1	105,0	104,7	16,9
шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	105,0	107,7	104,4	15,0
Андижон области	107,8	107,0	106,1	17,2
Бухоро области	104,0	105,0	93,5	30,0
Жиззах области	105,5	105,1	106,3	16,3
Қашқадарё области	104,8	103,4	99,6	10,0
Наманган области	108,7	107,0	104,7	17,3
Самарқанд области	107,7	106,0	105,9	21,8
Сурхондарё области	108,1	106,5	101,2	20,5
Сирдарё области	111,9	109,6	108,5	19,0
Тошкент области (Тошкент шаҳри ҳам шу ҳисобга киради)	103,9	103,7	106,9	15,4
Фарғона области	104,4	103,1	105,8	12,4
Хоразм области	106,8	105,2	103,5	14,7

Шу билан бирга айрим корхоналар планнинг бажарилишини уддалай олмадилар. Булар орасида Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи, Урганч мебель фабрикаси, Қувасой шиша идиш заводи, Урганч 1-пахта заводи, Самарқанд йирик панелли уйсозлик заводи ва бошқа корхоналар бор

Партия, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари айрим корхоналар планни бажармаётганликларининг сабабларини синчиклаб бартараф этишлари зарур. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш негизида корхоналарнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш тадбирларини кўриш, 1976 йилда ҳар бир корхонага планларни ва социалистик мажбуриятларни бажариш имкониятини берадиган шароитларни вужудга келтириш, меҳнат коллективларини КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун сафарбар этиш керак.

МУКОФОТ МУБОРАК

СОВЕТ ТИНЧЛИК ФОНДИ ТИНЧЛИК ФОНДИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ФАОЛ ҚАТНАШГАН ҚУЙИДАГИ КОЛЛЕКТИВЛАРНИ ФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАР БИЛАН МУКОФОТЛАДИ:

Тошкент «Миконд» заводи.

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи. Бекобод шаҳри.

1-Тошкент пойафзал фабрикаси.

Қуйи Чирчиқ районидаги Волков номли совхоз.

Чирчиқдаги 10-автобаза.

18-кўчма механизациялашган колонна. Оҳангарон шаҳри.

Тошкент Марказий универмаги.

Тошкент трикотаж фирмаси.

Бадиий буюмлар фабрикаси. Тошкент шаҳри.

«Тапигрушка» фабрикаси.

2502-автоколонна. Тошкент шаҳри.

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати. Чирчиқ шаҳри.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози.

Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз.

Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхози.

2-руда бошқармаси. Янгиобод шаҳри.

1-автокомбинат. Тошкент шаҳри.

Тошкент тўқимачилик комбинати.

Ўзбекистон ССР «Баҳор» халқ рақс ансамбли.

Тошкент фармацевтика институти.

Чирчиқ химия комбинатининг Маданият саройи.

В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мис бойитиш фабрикаси ишчи ва хизматчилари КПСС XXV съезди материалларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Униччи беш йилликда комбинатнинг ишлаб чиқариш қуввати яна ҳам ошади. Қўшимча цехлар ва саноат объектлари ишга туширилади. Партиямиз белгилаган бу тадбирлар ишчиларни мамнун этмоқда. Суратда: фабриканинг коммунистлари съезд кундалиги билан танишмоқдалар.

ҲАЙДОВЧИНИНГ ХИЗМАТ МАДАНИЯТИ ТАЛОНИ

Директор машинасига ўтириб, Тошкентга йўл олди. Ваъда қилинган вақтда республика Автотранспорт министрлиги йўловчилар ташиш Бош бошқармасининг бошлиғи Ф. Тошмуҳамедовнинг кабинетида ҳозир бўлди.

— Гап бундай, Дмитрий Лазерович,— деди бошлиқ салом-аликдан кейин дарров мақсадга кўчиб,— олдин мана бу талонни бир кўринг,— у ён чўнтагидан ҳайдовчиларнинг огоҳлантириш талонига ўхшаш талон олиб узатди.

Чирчиқ автобус-таксомотор паркининг директори Д. Воронин уни тезгина кўздан кечирди-ю, чеҳраси ёришиб кетди:

— Бу яхши тадбир қурибди Файзулла Шамсиевич?

— Шунинг яхши-ёмонлигини ўзингиз бир синаб кўрсангиз. Челябинскда ҳам бунга яқиндагина жорий этишибди.

—Албатта, самараси ёмон бўлмаса керак. Бизга ишониб топшираётганингиз учун раҳмат. Эртадан ишга киришамиз.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Чирчиқ автобус-таксомотор парки ҳайдовчиларининг ҳужжатлари яна биттага кўпайди. Улар шу кундан эътиборан иккинчи талонни чўнтакларида олиб юрадиган бўлишди: «Йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданият сифатини назорат қилиш талони». Эндиликда паркнинг ҳар бир ҳайдовчисида бундай талон бўлмаса, диспетчер унга йўл варақаси ёзиб бермайди.

Талоннинг орқа томонига ҳайдовчи ёки кондуктор профессионал аҳлоқка қилоф иш тутганида жазоланадиган ўнта пункт ёзилган: 1. Йўловчиларга қўполлик. 2. Хизмат кўрсатишдан бош тортиш. 3. Билетсиз йўловчиларни олиб юриш. 4. Бу-юртмани бажармаслик ёки маршрутдан четга чиқиш. 5. Таксометрни ишга туширмаган ҳолда йўловчиларни олиб юриш. 6. Салоннинг озодалиги. 7. Ҳайдовчи устбошининг саранжомлиги. 8. Автостанция ва линия хизмати ходимларининг кўрсатмасини бажармаслик. 9. Ҳаракат ҳавфсизлиги қоидаларини бузиш. 10. Ҳаракат графигини бузиш.

— Хўш, орадан ярим йил муддат ўтибди, самараси қандай бўляпти?— сўрадик Д. Ворониндан.— Агар яхши самара бераётган бўлса бу янгиликни қай йўсинда жорий этганингиз ва қандай амал қилаётганингиз хусусида гапириб берсангиз.

— Самара кутилганидан ҳам яхши бўлди. Бу, ўтган йилнинг иккинчи ярмидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичларимиз кескин даражада ошганлигида ва йўловчилардан тушаётган шикоятларнинг камайганлигида ўз ифодасини топди, дейиш мумкин. **Тўққизинчи беш йиллик планини 1975 йил 7 декабрда бажардик. Планга қўшимча 9,9 миллион йўловчи ташилди. Якунловчи йил плани эса муддатидан 20 кун илгари адо этилди. Янгилик аввало маршрутларда ҳаракат бир меёрда бўлишини таъминлади, графикдан чиқиб, бошқа ёққа «уриб» кетиш, гаражга белгиланганидан эрта қайтиб келиш ҳолларини кескин камайтирди. Ярим йил ичида маршрут графигига амал қилиш 89 процентдан 94 процентга чиқди.**

ЯНГИЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Корхона коллективи 1.200 кишидан иборат. Шундан 690 киши ҳайдовчилардир. Каттагина коллективда янгиликнинг тўғри, самарали йўлга қўйилиши катта меҳнат, кўп изланиш талаб қилади. Изланишлар эса давом этяпти.

Хизмат маданияти талонининг яна бир афзал томони шундаки, ҳайдовчи белгиланган моддаларга хилоф иш тутганида йўлда акт ёки протокол ёзиб ўтирилмайдида, талоннинг моддага мувофиқ пункти тешиб берилади. Талони уч марта тешилган ҳайдовчига ишдан ҳайдашгача маъмурий жазо кўрилади. Жумладан, автобус ҳайдовчиси Орипов уч ой муддатга машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Ҳозир у паркда ёрдамчи ишда ишлаяпти. Шунингдек, ҳайдовчи ўн учинчи маошининг 50 процентидан маҳрум этилиши билан ҳам жазоланади. Талонни уч йилгача бутун сақлаган, бирон марта огоҳлантириш олмаган ҳайдовчи эса моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

— Хизмат маданияти талонига доғ туширган ҳайдовчини ким жазолашга ҳақли?

— Ҳафтанинг ҳар бир куни учун назорат қилиш парк раҳбарларидан биронтасига биркитиб қўйилган. Улар график бўйича активлар билан биргаликда маршрутлардаги ҳаракатни назорат қиладилар. Директор, партком секретари, бош инженер, касаба союз комитетининг раиси, комсомол комитетининг секретари, Автотранспорт министрлиги ходимлари ҳам талонга белги қўйишга ҳақлидир.

Шаҳардаги йирик саноат корхоналарининг маъмурияти ҳам белгиланган маълум кунларда беш-олти кишидан иборат жамоатчи контролёрлар ажратади. Улар асосан ўз корхоналари коллективига хизмат қиладиган маршрутларни назорат қилишади. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар тўғрисида акт ёзиб, автопаркка юборишади. Бу ерда эса ҳафтанинг ҳар пайшанба куни мана шундай масалалар билан шуғулланадиган комиссия ишлайди. Шаҳарнинг турли раҳбар органлари ходимлари ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларидан ташкил топган 30 кишидан иборат комиссия муҳокамасига бир марта тушган ҳайдовчи иккинчи марта бу ерга ўйлашиб келадиган бўлади.

Биринчи бўлиб Чирчиқда жорий этилган бу янгиликни Ўзбекистон Автотранспорт министрлиги коллегияси маъқуллади ва барча шаҳарларда жорий қилиш тавсия этилди. Фақат, бунинг самарадорлиги, юқорида айтганимиздек, масалага қай даражада эътибор беришга, боғлиқ. Яна муҳими шундаки, ҳайдовчининг хизмат маданияти талонидаги ҳар бир огоҳлантириш эътибордан четда қолмаслиги керак. Ўз корхонасида комиссия муҳокамасига тушиб, ҳайфсан олган ҳайдовчи вақт ўтиши билан уни мутлақо унутиб юбориш мумкин, аммо хизмат маданияти талони тешилганда унутолмайди.

Бизнингча, бу янгиликни областимиздаги йирик шаҳарлар — Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Янгийўлда жуда тез жорий этиш мумкин. Қолаверса, Тошкентда ҳам тезроқ жорий этиш керак. Айниқса, пойтахтдаги йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари ўз коллективларига хизмат кўрсатадиган маршрутларга жамоатчи контролёрлар ажратиш тўғрисида ўйлаб кўриб, пассажир транспорти ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу эса минглаб ишчи ва хизматчиларнинг жамоат транспорти айби билан ишга кеч қолишларига барҳам беради, жамоат транспорти ишини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади.

Демак, йўловчиларнинг беҳуда асаблари бузилишини камайтиради, қимматли вақтларини тежайди...

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

СЪЕЗД МАТЕРИАЛЛАРИ ОММАГА

Ҳозир совет кишилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съезди уйғотган кўтаринки руҳ билан яшамоқда. Саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, колхоз ва совхозларда съезд белгилаган вазифалар зўр ишчанлик билан муҳокама қилинмоқда ва уларни амалга ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

«Съезднинг ғояларини ҳар бир коммунистга, ҳар бир совет кишисига етказиш фақат пропагандистлар, лекторлар, докладчиларнинггина эмас, шу билан бирга барча партия активларимизнинг ҳам фахрли бурчидир, деди Л. И. Брежнев съездда қилган ҳисобот докладида. Бу ишни ҳамма билимларимизни, бутун ишонтириш маҳоратимизни, бутун қалбимиз кучини сарфлаб олиб боришимиз керак. Мана шуларнинг ҳаммаси съезд қарорларини огишмай амалга оширишнинг шарт-шароитларидан биридир».

Янгийўл шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими КПСС XXV съезди муносабати билан омма орасида олиб бориладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқди.

Ҳозир шаҳарда партия XXV съезди материалларини ўрганувчи доимий лекторий ишлаб турибди. Соҳалар бўйича ўтказилган семинарларда коллективлардаги оммавий-сиёсий ишлар, суҳбатлар тематикаси, лекторлар, сиёсий докладчилар, сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчилар олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

КПСС XXV съезди арафасида шаҳарда зарбдор декадалар ўтказилиб, унда 20 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи иштирок этди. 5 мингдан кўпроқ ишчи ўтган йилнинг октябрь ойида йиллик планни бажарганлиги ҳақида галаба рапорти берди.

Шаҳар партия комитети лекторлари, пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ва «Билим» жамияти аъзолари съезд шарафига бошланган мусобақа давомида туғилган ташаббусларни омма ўртасида кенг пропаганда қилдилар. Суҳбатларга илғор ва новатор ишчиларнинг ўзларини ҳам жалб этдилар. Агарда 1974 йилда илғор ишчилардан 64 киши ўз тажрибасини пропаганда қилиб, суҳбатлар ўтказган бўлса, ўтган йили бу темада 246 та лекция ташкил қилинди. Бунинг натижасида шаҳарда илғорлар сафи яна ҳам кенгайди, новаторлар тажрибаси оммалашди. Йил давомида планга қўшимча равишда 9 миллион 239 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконн яратилди. Бу ютуқлар учун Янгийўл шаҳри Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Умуман, КПСС XXV съездига бағишлаб шаҳарда 300 дан ортиқ тадбир ўтказилди. Партия ва ҳукуматимизнинг ўтган йили қабул қилган энг муҳим қарорлари асосида 1611 та лекция ўқилди. 12 та йирик корхонада «Съезддан съездгача» деган темада доимий лекторийлар ташкил қилинди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси эълон қилинган кезларда пропагандист ва агитаторларнинг тармоқлар бўйича олти марта семинари ўтказилиб, лойиҳанинг ҳар бир бобини ўрганиш бўйича конкрет кўрсатмалар берилди.

Ҳозирги кунда шаҳар саноат корхоналарида 33 сиёсий докладчи, шаҳар партия комитетининг 36 штатсиз лектори, «Билим» жамиятининг 1122 аъзоси оммавий-сиёсий ишлар олиб бормоқда. 17 та халқ университетида эса 4 мингга яқин киши ўз ғоявий-сиёсий савиясини оширмоқда. Шаҳар партия комитети лекция пропагандасига раҳбарликни ой сайин яхшиламоқда. Шаҳар партия комитети бюросида лекция пропагандаси самарадорлигини оширишга қаратилган қатор масалалар ишчанлик билан муҳокама қилинди ва конкрет тадбирлар белгиланди. Бу тадбирлар туфайли омма ўртасида сиёсий докладчилар ва штатсиз лекторларнинг чиқишлари кўпайди. Ўтган йили ўқилган 400 га яқин доклад ва лекцияларни 50 мингга яқин киши тинглади.

Шаҳарда ҳар кварталда бир марта лектор ва пропагандист кадрларни йиғиб уларга энг муҳим мавзулар бўйича ахборотлар бериш ҳамда диққат-эътиборни маълум соҳаларга йўналтириш одат тусига кириб қолган. Бу йиғинларда шаҳар партия комитетининг секретарлари, шаҳар ижроия комитети раҳбарлари сўзга чиқиб, шаҳар эканомикаси ва маданиятининг юксалиши ҳақида бой маълумот берадилар, лектор кадрларга методик ва назарий ёрдам кўрсатадилар.

Шаҳарда лекция пропагандасини кучайтиришда «Билим» жамияти аъзолари ҳам активлик кўрсатмоқдалар. Улар кучи билан ўтган йили корхона ва ташкилотларда 5838 та лекция ўқилди. Бошқача қилиб айтганда ҳар бир лектор йил давомида ўрта ҳисобда 5-6 тадан лекция билан чиқди. Лекторлар маҳоратини ошириш мақсадида илғорлар тажрибаси ўрганилмоқда, турли материал ва методик қўлланмалар билан жиҳозланган бурчаклар ташкил қилинмоқда. Бўлиб ўтган семинарларда «Нутқ маданияти», «Нотиқлик санъати», «Лекция ўқишга тайёргарлик методикаси» ҳақидаги масалалар алоҳида муҳокама этилди. Ҳозир шаҳарда ёш лекторлар мактаби ишлаб турибди. Мактаб машғулотларига 50 тингловчи жалб этилган. Улар шаҳар, область ва республиканинг энг тажрибали лекторларининг лекцияларини тингламоқдалар.

Шаҳар меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланиб ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили планини 20декабргача бажаришга планга қўшимча равишда 9 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаганлар. Шу мақсад сари интилиб, улар дастлабки икки ойлик планни съезд очилган кунгача муваффақиятли бажардилар ва ой охиригача 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Эндиликда бутун куч ва имконият тарихий съезд қарорларини ҳаётга тадбиқ этишга сафарбар қилинган.

Э. САИДАКБАРОВ,
Тошкент область партия комитетининг лектори.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

Калинин район меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллик саноат маҳсулотлари реализация қилиш топшириғини муддатидан икки ой олдин бажаришга муваффақ бўлдилар.

Шу давр ичида 42 минг квадрат метр турар-жой бинолари, 4232 ўринли мактаб, 150 ўринли шифохона ва бошқа бинолар фойдаланишга топширилди. Қишлоқ хўжалик бўйича эса беш йилда олти йиллик планни бажаришга эришилди. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 процентга ўсди.

Бу рақамлар КПСС XXV съездига бағишлаб «Съезддан съездгача» темасида ўтказилган назарий конференцияда айтиб ўтилди. Конференцияни район партия комитетининг секретари И. Исроилова очди. Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири М. Аҳмедов район меҳнаткашларнинг ўнинчи беш йилликдаги вазифалари ҳақида доклад қилди.

Конференцияда сўзга чиққан район ижроия комитети раисининг ўринбосари О. Саидмаҳмудов, район халқ маорифи бўлимининг мудири М. Умаров, район маданият бўлимининг мудири Т. Юнусов ва бошқалар КПСС XXV съездида қўйилаётган улкан вазифаларни амалга ошириш режалари ҳақида сўзлаб бердилар.

* * *

Юқори Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхознинг чўпони Риза Муждабоев ўтган йили отаридаги ҳар бир совлиқдан 126 тадан қўзи олишга, ҳар бир қўйдан 3 килограммдан жун қирқиб олишга муваффақ бўлган эди.

Илғор чўпон чорвачиликда муҳим давр ҳисобланган қишловга пухта тайёргарлик кўрди. Риза Муждабоев съезд йилини меҳнатда катта кўрсаткичлар билан нишонлаш мақсадида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ҳар 100 совлиқдан 135 тадан қўзи ва ҳар бош қўйдан 4 килограммдан майин жун қирқиб олиш юзасидан оширилган социалистик мажбурият қабул қилди.

Ташаббускор чўпон отарида ҳар куни 10—15 қўй қўзилаб турипти. У яқин кунларда олинган социалистик мажбуриятни ортиғи билан адо этишга қарор қилган.

Район партия комитети Риза Муждабоевнинг партия съезди шарафига ташаббусини маъқуллаб, уни район чорвадорлари ўртасида муҳокама қилиш ва илғор чўпонининг тажрибасини ёйишни тавсия этди.

КИТОБ ВА ТЎПЛАМЛАР

Ўзбекистон ёзувчилар союзи ҳузуридаги адабиётлар пропагандаси бюроси ташаббуси билан бир неча китоблар босилиб чиқди. Москвада чоп қилинган «Сув қўшиғи» ва «Бахт қуши» тўпламлари ҳам шулар жумласидан.

Бу йил ҳам ибратли иш давом эттирилмоқда. Республикамизнинг донгдор меҳнат ветеранлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Оқсоқоллар» тўплами тайёрланди. «Беш миллион» деган очерк, лавҳа ва шеърлар тўпламида эса диёримиз «оқ олтин»ни миришкорлари мадҳ қилинди.

А. АКБАРОВ.



Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва» колхозида қўклам чигит экиш кампаниясига тайёргарлик кун сайин авж олдирилмоқда. Механизаторлар техникани тўла ремонтдан чиқариш ва мавсумга созлаб қўйиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Суратда: (чапда) илғор механизатор Х. Холдорбеков. Унгда ремонтдан чиқарилган техника кўздан кечирилмоқ да.

А. Абалян фотолари.

ПЕШҚАДАМ ЧОРВАДОРЛАР

Янгийўл районидаги «Интернационал» колхоз чорвадорлари тўққизинчи беш йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Ўтган йили ҳар бир соғин сигирдан 2800 килограммдан сут соғиб олинди.

— Чорва қишловига ҳам яхши тайёргарлик кўрилди. Ўтган йили озуқа экинларидан мўл ҳосил етиштирилиши натижасида қишлов учун 400 тонна дағал хашак, 450 тонна сенаж ва 1400 тонна силос жамгардик, — дейди ферма мудири Нури Муродов.

Ҳақиқатан ҳам хўжаликда чорва қишлови яхши ўтди. Чорвадорлар ҳозиргача ҳар бир сигирдан 400 килограммдан сут соғиб олдилар. Бу ўтган йилнинг шу даврдагидан 100 килограммдан кўпдир. Ферма коллективи давлатга гўшт сотиш бўйича биринчи квартал планини январь ойидаёқ бажариб қўйган.

Хўжалик чорвадорлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, чорва маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу йил улар ҳар бир сигирдан 3000 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилганлар.

Фермаларнинг илғор соғувчилари фидокорона меҳнат қилиб, сут булоғини кўпайтиришга интилмоқдалар. Илғор соғувчи, область Советининг депутати Замигул Гасанова ўз ҳамкасблари ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилмоқда. У шу кунгача говмушлардан 450 килограммдан сут соғиб олди. Илғор соғувчи бу йил ҳар сигирдан 3500 килограммдан сут соғишга аҳд қилган. Маҳбуба Қодирова, Ирина Киселовалар ҳам фермаларнинг пешқадам соғувчиларидан. Зиёд Муродов, Чиннибек Саидов сингари азаматлар фермага тўйимли емхашак етказиб бериб, моллари меҳр билан парвариш қилишяпти.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

ИЛҒОРЛАР МИНБАРИ

МАШИНА-ҚУДРАТИМИЗ

Шу кунларда барча совет кишилари КПСС XXV съезди қарорларидан беҳад руҳланган ҳолда яшамоқдалар. Жонажон партиямиз ўз съездида мамлакатимизнинг порлоқ истиқболини яна бир бор равшан кўрсатиб берди.

1975 йилда она-Ватанимизга колхозчиларимиз 5504 тонна пахта, 4258 тонна канап пояси, 1000 тонна шолни ва кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотн етказиб бердилар. Колхозчиларимиз астойдил ва фидокорона меҳнат қилаётганликлари туфайли экинлар ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб бораяпти.

1975 йилда об-ҳаво ноқулай келди. Лекин, шуни айтиш керакки, агар меҳнат тўғри ташкил этилса, ортиқрилган тажрибалардан фойдаланиб бутун куч ва резерв ишга солинса, шундай қийин шароитда ҳам юқори ҳосил олиш мумкин. Бунн кейинги икки йилги иш натижаларимиз равшан кўрсатди. 1974 йилда ҳар гектар ердан 32,7 центнердан пахта, 58,7 центнердан шолн, 168 центнердан канап пояси олинган бўлса, 1975 йилда пахта ҳосилдорлиги 33,8, шолн ҳосилдорлиги 62,8 ва канап пояси ҳосилдорлиги 177,4 центнерга кўтарилди.

Механизаторларимиз маҳоратн ҳам йил сайин кўтарилиб бораяпти. Шу туфайли тракторнинг ўртача иш унуми ошиб, ҳаражатлар камаймоқда. Масалан, 1975 йилда бир трактор билан ўртача 970 гектар ер ишланиб, ҳар гектар ерга 6 сўм 73 тийин сарфланган. 1975 йилда бир трактор билан 1158 гектар ер ишланиб, 6 сўм 30 тийин сарфланди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти колхоз ишлаб чиқаришининг барча тармоқларидаги иш жараёнларида механизациядан мукаммалроқ фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозир колхозимизда механизациядан унумли фойдаланилмаётган бирор соҳа йўқ. Масалан, ҳамма пахтачилик бригадалари комплекс механизациялашган.

Пахтачиликда энг кўп меҳнат талаб қиладиган иш пахтани йиғиб-териб олишдир. Бу проблема ҳам аста-секин ҳал бўлиб бормоқда. Агар 1974 йилда барча пахта ҳосилининг 4381 тоннаси ёки 80,5 проценти машина билан терилган бўлса, 1975 йилда 90,8 процент ҳосил машина билан териб олинди, 26 пахта териш машинасининг ҳар биридан ўрта ҳисобда 198 тоннадан пахта тўкилди.

Хўжалигимиз йилдан-йилга кўпроқ даромад ва соф фойда олмоқда. 1975 йилда 4 миллион 715 минг сўм даромад қилинди. Бу 1974 йилга нисбатан 278 минг сўм кўпдир. Соф фойда эса 1 миллион 500 минг сўмга етди.

Колхозимизда ҳосилдорлик ошиб бораётгани, техникадан, минерал ўғит ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланилаётганлиги туфайли колхозчиларимизнинг оладиган иш ҳақлари кўпайиб, турмуш даражалари кўтарилиб бораяпти. 1975 йилда ҳар бир колхозчининг ўртача ойлик иш ҳақи 185 сўмга тўғри келди. Бу олдинги йилга нисбатан 10 сўм кўпдир. Буларнинг ҳаммаси меҳнатни тўғри ташкил этиш, ишга ижодий ёндошиш, қишлоқ хўжалиги машиналаридан тўғри ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш самарасидир.

КПСС XXV съезди материалларидан руҳланган колхозимиз меҳнаткашлари янги куч, янги ғайрат билан ўнинчи беш йиллик планнни ортиғи билан бажаришга астойдил бел боғлаганлар.

«Қишлоқлар машиналар, мураккаб ускуналар билан тобора кўпроқ таъминланмоқда, — дейилади ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда қилган ҳисобот докладида. — Бунинг маъноси шуки, қишлоқ хўжалигидаги инженерлик-техника хизматини яхшилаш вазифаси ҳам актуал бўлиб қолмоқда».

Бу кўрсатма биз, инженерлар зиммасига ҳам янги вазифаларни юклайди.

Шу ниятда 1976 йилда қатор тадбирлар кўрилади, юқори марраларни эгаллаш учун енг шимариб ишга киришдик. Деҳқон ва чорвадорларимиз ўз зиммаларига янги мажбуриятлар олмоқдалар. Бу йил, айниқса, ишнинг сифатига алоҳида эътибор берамиз. Пахта ҳосилдорлигини гектарига 35, канап поя ҳосилдорлигини 200, шолн ҳосилдорлигини 65 центнерга етказишга, етиштирилган пахта ҳосилининг 95 процентини машина билан териб олишга қарор қилдик.

Ҳозир далаларимизда кўклам экиш мавсумига тайёргарлик қизғин. Мавжуд техника экишга тўла шай қилиб қўйилмоқда.

КИМ ГИМ НАМ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозининг бош инженери.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ватанимиз пойтахти Москвада КПСС XXV съезди ўз ишини давом эттираётган айни кунларда кўплаб ишлаб чиқариш коллективларидан икки ойлик планнинг муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида редакциямизга ғалаба рапортлари келиб турибди.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, Тошкент темир-бетон буюмлари заводи, Оҳангарон районидаги саноат корхоналари, «Малика» трикотаж фирмаси, Кетмонтепа луб заводи, Бўка пахта заводи, Олмалиқ мебель фабрикаси, Оққўрғон районидаги саноат корхоналари, Новомихайловск луб заводи коллективлари съезд шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини биринчилар қатори шараф билан адо этдилар.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

АНИҚ ВА РАВШАН МАҚСАДЛАР

Чет эл матбуоти КПСС Марказий Комитетининг XXV съездга ҳисоботи юзасидан музокаралар тамом бўлганидан кейин ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган якунловчи нутқ тўғрисида батафсил хабар бермоқда ва делегатлар партия Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладини яқдиллик билан маъқуллаганликларини таъкидламоқда.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг газеталари якунловчи нутқнинг тўла текстини, съезднинг резолюцияларини ҳамда «Империализм ва реакция тутқунларига озодлик», баёнотини эълон қилдилар.

Чет эл матбуоти СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигиннинг «1976—1980 йилларда СССР Халқ Хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги докладига катта аҳамият бермоқда.

1 март куни КПСС XXV съездининг ишида ғоят муҳим воқеа бўлди. Шу куни делегатлар партия Марказий Комитетининг бош йўлини ва амалий фаолиятини маъқулладилар. Съезд барча партия ташкилотларига ўз ишларида Марказий Комитетнинг ҳисоботида Л. И. Брежнев томонидан илгари сурилган қонда ва вазифаларга амал қилишни таклиф этди, деб ёзади Берлинда чиқадиган «НОИЕС ДОЙЧЛАНД» газетаси. Л. И. Брежнев якунловчи нутқида музокараларда сўзга чиққан делегатларнинг буюк оптимизмини, бу нутқлар комил ишонч ва собит қадамлик руҳи билан суғорилганлигини уқтириб ўтди. Л. И. Брежнев буни социализм ишининг муваффақият қозонишига қатъий ишонч натижаси, партия планларининг реаллиги натижаси, партия коллективи ақл-идрок билан мақсадларини белгилаш, ўз олдига ва бутун мамлакат олдига вазифалар қўяр экан, бу мақсадларга эришилажагини, вазифалар эса бажарилажагини тушуниш натижасидир, деб атади.

Польшанинг «ТРИБУНА ЛЮДУ» газетаси ҳисобот доклади юзасидан музокаралар тамом бўлганлиги ва Л. И. Брежневнинг якунловчи нутқи тўғрисида хабар бериб, қуйидагиларни уқтириб ўтади: КПСС XXV съезднинг иши партиянинг бош йўлини, Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг конкрет фаолиятини тўла-тўкис маъқуллаш белгиси остида ўтмоқда. Делегатлар Л. И. Брежневнинг докладида баён қилинган қоидаларни қуллаб-қувватлаб, яқдиллик билан қуйидагиларни таъкидладилар: Партия съездлари ўртасидаги давр партиянинг жамият фаолиятига раҳбарлик қила олишини амалда яна бир марта тасдиқлади, ўз сиёсатининг реализмини намойиш қилди, ўз сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлигини мустаҳкамлади. Ленинча иш услуби, субъективизмдан ҳалос бўлган ва барча иҳтиёмоий жараёнларга илмий жиҳатдан ёндошишга таянган ижодий услуб — партия раҳбарлигининг муваффақият қозониш шартидир.

Францияда чиқадиган «ЮМАНИТЕ» газетаси съезд делегатларининг нутқлари идеологик ва сиёсий бирлик, ижодкорлик, пролетар интернационализми руҳи билан ва тинчлик учун қатъий кураш олиб бориш, ғоят зўр оптимизм руҳи билан суғорилганлиги ҳақида Л. И. Брежнев айтган гапларига алоҳида эътибор беради.

Чехословакияда чиқадиган «РУДЕ ПРАВО» газетаси бугунги бош мақоласида қуйидагиларни эслатиб ўтади: Коммунистлар пролетар интернационализмини назар писанд қилмаслик йўлидаги уринишларни ҳамиша қатъий рад этиб келдилар. Улар социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационализми чамбарчас боғланган, деб ҳисоблаб келмоқдалар.

Чет эл газеталари А. Н. Косигиннинг докладини ооциб чиқариб ва шарҳлаб, ўнинчи беш йилликда совет экономикасини ривожлантиришга доир асосий рақамлар ва кўрсаткичларни баён қилади. Докладнинг Коммунистик партия шу беш йилликда халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини оширишга, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштиришга, социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган йўлни изчил ўтказаверажаги ҳақида гап борган қисмига алоҳида эътибор берилмоқда.

Кубада чиқадиган «Гранма» газетаси съезднинг иши қарашларнинг тамомила бирлиги вазиятида, зўр ғайрат-шижоат ва ижодий активлик руҳида ўтмоқда, деб қайд қилади. Съезд делегатлари КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ва шахсан Л. И. Брежневнинг фаолиятига юксак баҳо бермоқдалар. Биз, кубаликлар ўртоқ Брежневнинг Кубага қилган визити вақтида у инлан яхши танишиб олдик. Унинг съезддаги жўшқин фаолияти бизда кучли таассурот қолдирди. Коммунистлар ва барча меҳнаткашлар ўртоқ Л. И. Брежневга чексиз иззат-ҳурмат, меҳр-муҳаббат туйғуларини изҳор қилмоқдалар. Съезд делегатлари КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ажойиб фазилатларини қайд қилмоқдалар. Ленинча иш услуби, ғоят зўр ғайрат-шижоат, халқ бахт-саодати тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш, ўртоқларга нисбатан меҳрибонлик, талабчанлик, самимият ана шундай фазилатлардандир. Л. И. Брежневнинг характерли фазилатларидан бири шуки, деб ёзади «Гранма» газетаси, у муҳим вазифаларни ҳал этиш учун кўп кишиларнинг кучғайратини бирлаштириш ва уларга йўл кўрсатиш қобилиятига эгадир. У совет халқи деб аталган улуғ коллективнинг қалбидир.

(ТАСС, 2 март).

ГАЗЕТХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Оржоникидзе район партия комитети ва район иҳроия комитетининг органи «Коммунизм тонги» газетасининг ижодий коллективи яқинда Тузель қишлоғи газетхонлари билан учрашди. Учрашувда газета редакторининг ўринбосари Ш. Шералиев тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида редакция коллективи амалга оширган тадбирлар ва КПСС XXV съезди қарорлари асосида бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида гапирди. Шундан сўнг газетхонлар бирин-кетин сўзга чиқиб газета фаолиятини анализ қилдилар ва истаклар билдирдилар.

Газетхонлардан Х. Эркахўжаев, Т. Эштоев ўртоқлар КПСС XXV съезди материалларини омма ўртасида кенг пропаганда қилишда матбуотнинг роли устида алоҳида тўхталдилар. П. Жуманов ва М. Исахўжаева ишлаб чиқаришда туғилаётган ташаббусларни оммалаштириш лозимлигини уқтирдилар. Учрашув-конференцияда газетхонлар томонидан янги-янги темалар ва рубрикалар тавсия этилди.

Жойларда янги паспорт топшириш тантанали суратда ўтказилмоқда. Бу муҳим сиёсий кампанияни Ҳамза район ички ишлар бошқармаси паспорт бўлими ходимлари ҳам уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Яқинда Ойбек номли 226-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиларига янги паспортлар топширилди. Суратда: район ички ишлар бошқармаси паспорт бўлимининг бош инспектори М. Митюрева ўқувчиларга паспорт топширмоқда.

Г. Ҳасанов фотоси.

„Ойдин соатда"

Шу кунларда Тошкентнинг кўпгина коллективларида, муассаса ва ташкилотларида партиямиз XXV съездига бағишланган кечалар, лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Фрунзе район пойафзалчилар маданият саройида «Ойдин соатда» деб номланган қизиқарли кеча ва концерт программаси ташкил қилинди. Хонанда ва созандалар кечада пойафзалчиларга ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Тошкент Давлат университетининг кўпгина ётоқхоналарида ҳам партия XXV съездига бағишланган лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Билим юртининг таниқли олимлари, ўқитувчилар студентларга КПССнинг ташқи ва ички сиёсати ҳақида лекциялар ўқимоқдалар.

А. ТАРТАУЛОВ.

КОНВЕЙЕРДА—ЯНГИ «МОСКВИЧ»

Ленин комсомоли номли автомобиль заводининг коллективи КПССнинг XXV съезди шарафига зиммасига олган социалистик мажбуриятларининг асосий банднини муваффақиятли бажарди. Корхонада янги моделдаги «Москвич»—2138» ва «Москвич—2140» автомобиллари кўплаб ишлаб чиқарила бошлади.

— Автомобиль янада кўркамроқ бўлиб қолди, — деди заводнинг бош конструктори И. К. Чарноцки, — Кузовнинг ҳамма муҳим сиртқи деталлари янги шаклга кирган. Салонини безашда чиройли синтетик газлама ва сунъий чарм ишлатилди. Олд ўриндиқнинг бош тиргаклари бор. Руль колонкаси телескопик қилиб ишланган. Авария вазияти юз берганида у автомат тарзда ботирилиб, ўзига хос амортизатор ролини бажаради.

Шу йил завод — 176 мингта тежамли, пухта, комфортабель янги «Москвич» тайёрлаб чиқаради.

(ТАСС мухбири).

ҒАЗАЛХОН ШОИР КЕЧАСИ

Бу оқшом пойтахтимиздаги «Билимлар уйи» одатдан ташқари гавжум бўлди. Кўплаб шеърият муҳлислари жозибали қўшиқлар муаллифи Асқарали Чархий ижодига бағишланган ғазалхонлик кечасига ташриф буюрдилар.

Ўзбек поэзиясининг кекса вакили, хассос шоир Чархийнинг севгини, садоқатни улуғловчи ғазаллари назм мухлисларини хушнуд этиб келмоқда. Яқинда отахон шоирнинг туғилган кунига 75 йил тўлиши муносабати билан унга берилган «Ўзбекистон халқ шоири» юксак унвони кўп йиллик ижодига берилган муносиб баҳо бўлди.

Ғазалхонлик кечасида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Эркин Воҳидов, филология фанлари доктори, профессор Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг лауреати Лазиз Қаюмов, шоирлардан Камтар. Азиз Абдураззоқ, Комилжон Жўраев ва Коммуна Олимовалар иштирок этдилар. Тўпланганлар Чархий ғазаллари билан айтилувчи дилрабо қўшиқларни республикада хизмат кўрсатган артист Раҳима Мазоҳдова, Комилжон Ҳошимов, Дилором Зокирова, Турдиали Эргашев ва бошқалар ижросида тингладилар.

И. УСМОНОВ.

ОНА МУЪТАБАР

1957 йилнинг қайси ойи эканлиги ёдимда йўқ.

Барвақт мактабга чиқиб кетаётган эдим, маҳалламизнинг «Маҳоли» проёздидан одамларнинг йиғи товуши эшитилди: Бўри аканинг хотини Санобар вафот этган эди.

Унинг фарзандлари — Муҳаммаджон, Умаржон, Рихсивойлар мен ўқитувчилик қилаётган мактабда ўқишарди. Шунинг учун ҳам бу оила фарзандларига алоҳида эътибор бериш лозимлигини ҳис этдим. Бўри ака билан тез-тез учрашиб турадиган бўлдим.

Кейинчалик маҳалламиз кексалари болалар бошини силайдиган бир аёл оила учун зарур эканлигини айтиб, Бўри акага уйланиш тўғрисида маслаҳат беришди. Санобарнинг вафотидан икки йил ўтгач Бўри ака Хатми деган аёлга ўйланди.

Хатми опа турмуш ўртоғи ва болаларга меҳрибонлик муносабатида бўлди. Оилага файз кирди, кўп ўтмай катта ўғлини уйлантиришди. Лекин, орадан бир йил ўтгач оила бошига яна қулфат тушди: Бўри ака ҳаётдан кўз юмди. Болалар тарбияси, рўзғор юритиш энди елғиз Хатми опанинг елкасига тушиб қолди.

Бўри аканинг яқин дўстлари оила ҳолидан хабар олиб турдилар. Бу орада Умаржон, Рихсивойлар ҳам ўнинчи синфни тугаллашди. Умаржон электр монтерлик касбини эгаллади. Хатми опа ўз синглисининг қизини Умаржонга олиб берди. Рихсивой Тошкент давлат университетининг география факультетини тугатди. Хатми опа елиб-югуриб, уни ҳам уйлантирди. ТошДУни битирган Рихсивой тегишли йўлланма билан Бекободга борди. Дастлаб мактабда ўқитувчилик қилди. Кейинчалик ўн йил давомида Бекобод шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари вазифасини бажарди. Ҳозир у Бекобод цемент заводи партия ташкилотининг секретари.

Хатми опанинг уч фарзандидан ўнга яқин набираси бор. У ўзи катта қилган фарзандларининг роҳатини кўриб набиралари билан қишлоқда яхши ҳаёт кечирмоқда. Фарзандлар унинг қолидан ҳамиша ғоҳ...

Биз бу оиланинг яхши ҳислатлари ҳақида фикр юритар эканмиз, гул тикансиз, гуруч қурмаксиз бўлмайди, деганларидек, онда-сонда учраб турадиган она тарбиясини унутганлар тўғрисида ҳам бир нима демоқчимиз.

Менинг бир касбдош танишим бор эди. У Улуғ Ватан уруши даврида Тошкент областининг Оққўрғон районида ўқитувчи бўлиб ишлар эди. Унинг Зеби исмли хотини тўсатдан вафот этиб қолди. Ундан икки, тўрт, олти ёшли уч фарзанди қолди. Мен у касбдошимнинг исмини охирги қўшимчаси — Бек номи билан чақирардим. Бекнинг уйида ҳеч ким йўқлиги учун унинг уч фарзанди синфга кирса синфга, идорага кирса идорага кириб юрарди. Бек уч бола билан жуда қийналди. 1945 йилнинг охирларида Тошкентга кўчиб келди. Худди атайин қидиргандек яна Зеби исмли аёлга уйланди. 1951 йилда Бек тўсатдан вафот этди. Унинг ўғиллари — Файзулла, Асатулла ва Раҳматуллаларни Зеби ўз фарзандларидек меҳр билан тарбиялай бошлади.

Катта ўғил ўнинчи синфни тугатди. Бир оздан кейин Совет Армияси сафига хизматга чақирилди. Икки йилдан сўнг келишда бир йўла уйланиб келди. Икки-уч ой уйда бирга турди, сўнг уй олиб чиқиб кетди. Асатулла ҳам ўрта мактабни ва савдо техникумини тугатди, она бош бўлиб уни уйлантирди, бир оз вақт ўтгандан кейин у ҳам жой олиб чиқиб кетди. Кичигини ҳам Зеби опа бош-кош бўлиб уйлантирди. Кўп вақт ўтмай у ҳам янги уйга чиқиб кетди, она уйда бир ўзи қолди.

Яқинда бир марҳумни дафн этиш маросимида Сағбон қабристонига бориб қолдим. Айланиб юриб, Бекка ҳам қўйилгач ёдгорликка кўзим тушди. Мармарга ёзилган сўзларни ўқиб, уни катта-кичик фарзандларини кўз ўнгимдан ўтказдим.

Иттифоқо, бир кун йўлим Бек яшайдиган кўчага тушиб қолди. Қарасам, бир аёл уй эшиги ёнида ўтирибди. Тикилиб қарадим, танидим — Зеби она! Якин бориб, ўзимни таништирдим. Зеби она мени дарҳол танида: кўзи ожизроқ бўлиб қолибди.

Гаплашдик, у ўз дард-ҳасратларини айтди. Зеби онанинг айтишича, ўғилларидан иккитасининг енгил машинаси бор, ўзига тўқ экан. Қаранг! Уч фарзанднинг бирортаси ҳам онасини ўзи билан бирга олиб кетмаган. Онда-сонда келиб хабар олар эмишлар.

Зеби она шу хонадонга 30 йил бурун келганида болаларнинг каттаси етти ёшда, кичиги уч ёшда экан.

Мен Зеби онадан ўғилларининг уй адресларини, иш жойларини билиб олдим. Албатта бориб, улар билан гаплашиб онага нисбатан меҳр ўйғотишни ўз зиммамга олдим.

Она олдида ўз бурчини унутаёзган фарзандлар нима дейишаркин?

Ф. НУРИДДИНОВ,
педагог.

АҲЛОҚ МАВЗУИДА

БАНГЛАДЕШДА ДЕНАЦИОНАЛИЗАЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ДАККА, 2 март. (ТАСС). Бангладешда Мужибур Раҳмон ҳукумати чоғида давлат назоратига олинган корхоналарни эгаларига қайтариш давом этмоқда. Бу ерда маъмурлар 18 ишлаб чиқариш бирлашмасидан ташқари давлат саррафига ўтказилган ҳамма корхоналарни хусусий эгалари қўлига топшириш ниятида эканлиги расман эълон қилинди. Мужибур Раҳмон ҳукумати чоғида жами 350 корхона давлат ихтиёрига ўтказилганди. Расман давлат секторида қолган 18 ишлаб чиқариш бирлашмасидан 10 тасига қарашли акцияларнинг катта ҳиссаси ҳам хусусий капитал қўлига топширилади. Ва хусусий кишилар шу корхоналарда раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олади.

Маъмурлар хусусий корхоналарга ёрдам кўрсатиш учун давлат инвестицион корпорациясини таъсис этдилар. Ҳукумат жун савдосиустидан ўрнатилган монополиядан воз кечиб мамлакатга тушадиган ҳамма чет эл валюталарининг 90 процентигачасини таъминлайдиган шу муҳим хом ашё турини экспорт қилиш ихтиёрини хусусий секторга бериб қўйди.

ПОЛЬША КЕМАСОЗЛИК КОРХОНАЛАРИДА

ВАРШАВА. Польшанинг кемасозлик корхоналарида шу беш йилликда 1976—1980 йилларда кемасозлик саноатини ихтисослаштириш тўғрисида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги битимда кўзда тутилган 128 хил кемадан 69 хили тайёрлаб чиқарилади. Булар орасида химикатлар ташийдиган энг янги конструкциядаги кемалар, суюқлаштирилган газ ташувчи кемалар, контейнервозлар, кўприк кемалар, йирик балиқ овлаш траулерлари бор. Бундан ташқари Польша дарё буксирлари қуришга ҳам ихтисослаша бошлайди.

Польша илгариги беш йилдагига нисбатан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши мамлакатларига 50 процент кўп кема етказиб беради. Шу кемаларнинг кўп қисми Совет Иттифоқига юборилади.

ҚУВАИТ. Шаҳар бош план асосида қайтадан бунёд этилмоқда. Кейинги йилларда бу ерда бир қатор замонавий ойнавандли бинолар қурилди. Суратда: шаҳар кўчаларидан бирида.

Ш. Туробов фотоси.

Реклама ва эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

6 МАРТ КЕЧ СОАТ 8.00 ДА
7 МАРТ КЕЧ СОАТ 5.30 ДА
«ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» ВА БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КУРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ
УЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
ВИЛОЯТ ҚЮЛОВА. ДИЛАФРУЗ ЖАББОРОВА
Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ДИЛБАР ФАЁЗОВА
Солистлар: ШЕРАЛИ ЖУРАЕВ, ҲОТАМ ҲОЖИЕВ, ФАХРИДДИН ДУСТМУҲАМЕДОВ, АЛФИЯ ШАКУРОВА, РОЗА КАКУРИЕВА, РАИҲОН АБДУЛЛАЕВА ВА бошқалар.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Программани — УТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.
Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. МОСКВА. 10.00 — Янгиликлар. 10.30 — Буратино кўргазмаси. 11.00 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — КПСС XXV съездида. 17.00 — «Москва ва москвиклар». 18.10 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — КПСС XXV съезди кундалиги. 19.30 — Планета ёшлари. 20.15 — Фигурали учиш (жаҳон чемпионати). 22.00 — КПСС XXV съезди делегатлари учун концерт. 00.45 — «Вақт». **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** ТОШКЕНТ. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Камалак программаси. — 18.45 — «Ахборот». 19.00 — «Физкультура ва спорт» (тележурнал). 19.30 — Мусобақа, тажриба ва ташаббус. 20.00 — Шеърият мухлисларига. 20.10 — Телевизион театр. Жонид Абдуллаховнинг «Тўфон» (3-қисм). 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Концерт. 21.45 — Шеърий композиция. 23.00 — Волейбол: «Автомобилист» (Тошкент) — «Нефтчи» (Боку).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА. ТОШКЕНТ. 19.00 — Ўқув кўрсатуви. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — «Менинг тақдирим» (бадиий фильм, 3-серия).

РИДА — 4|III да Жон қизлар, 5|III да Хонума хоним.

КИНО

Тузатилган хато — «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 19.30, 21.00).

Биринчи муҳаббатим — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Дельфин куни — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Еру осмон ўртасида; Мауғли: — «ЧАЙКА» (11.30, 13.30, 16.15, 18.45, 21.15).

Бобби — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Еру осмон ўртасида — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Полиция комиссари қоралайди — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Октябрь район халқ маорифи бўлими ва маориф ходимларининг район касаба союз комитети, ҳамда 124-ўрта мактаб коллективи шу мактаб ўқитувчиси Т. Шокировага отаси

Алихон ШОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТ-

Спорт

ЧЕМПИОННИ ДОҒДА ҚОЛДИРИБ

Пойтахтдаги округ офицерлар уйида волейбол бўйича олий лига командалари ўртасида мусобақалар бошланди. Тошкент турнирида мамлакатнинг бир неча бор чемпионлари — пойтахтнинг «Динамо» ҳамда Марказий армия спорт клуби коллективлари, Киев ва Ленинграднинг «Буревестник» командалари, Бокунинг «Нефтчи» коллективи ва Тошкенткинг «Автомобилист» волейболчилари ўзаро куч синашмоқдалар. Иккинчи олтилик эса Ригада мусобақалашяпти.

Тошкент турнири мусобақаларини Марказий армия спорт клуби волейболчилари билан Бокунинг «Нефтчи» коллективи бошлаб берди. Бу баҳсда москвалик спортчилар рақиблари устидан осонликча 3:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Киев ва Ленинград студентлари ўртасидаги матч украин волейболчилари учун кўнгилсиз бошланди. Улар биринчи бўлимда ҳам, иккинчи бўлимда ҳам мағлубиятга учрадилар. Лекин учинчи ва тўртинчи бўлимларда ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди. Ҳал қилувчи бешинчи бўлимда эса устун келиб, умумий 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Майдон эгалари «Автомобилист» билан ўн икки марта мамлакат чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлган пойтахт динамочилари ўртасидаги баҳс ҳам беш бўлимдан иборат бўлади деб ҳеч ким ўйламаган эди. Бунинг устига тошкентликлар сафида олимпиада чемпиони Вера Дуюнова, команда ветеранлари Л. Величко, Л. Вертелкина сингари етакчи ўйинчиларнинг қатнашмаслиги мухлислар ўртасида командамиз яхши ўйин кўрсата олмаса керак деган фикр туғдирган эди. Лекин коллективга қабул қилинган ёшлар тажрибали Елена Шафникова, Наташа Рагулина, Елена Петрунина, Лариса Лунина сингари тажрибали ўйинчилар билан ҳамкорликда уюшқоқлик билан ўйнаб, дастлабки матчда мухлисларнинг бу фикрини чиппакка чиқарди.

...Учинчи бўлимда майдон эгалари 7:4 ҳисобида олдинда эди. Бунгача бўлган икки бўлимда эса томонлар бир мартадан ғалабага эришганди. Тошкентликлар ҳисобни аста ошира бордилар. 9:6, 10:6, 10:7. «Динамо» командаси тренери Ингалена Волкова бир минутлик танаффус олиб, шогирдларига кўрсатма берди. Ўйинда кескин бурилиш ясаган москвликлар аввалига ҳисобни тенглаштириб, сўнгра 15:13 ҳисобида устун келишди. Лекин тўртинчи бўлим унча узоқ давом этмади. Айниқса команда капитани Елена Шафенкова ва Любовь Шульгалар ҳужумкорликда яхши ўрнак кўрсатдилар. Ҳисоб 15:5. Якунловчи бешинчи бўлим. «Автомобилист» олдинда. Ҳисоб 2:0, 3:1, 6:1, 7:4. Лекин динамочилар ҳам бўш келишмади. Людмила Аксенова, Лариса Андронова, Людмила Шетенниналар майдон эгалари хэтосидан усталик билан фойдаланиб, ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди. Бу ўйиннинг кульминацион нуқтаси эди. Учрашувнинг сўнгги минутларини ниҳоятда сезгирлик ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўтказган майдон эгалари бу бўлимда 15:9 ҳисобида устун келиб умумий 3:2 ҳисобида чемпион устидан дастлабки ғалабага эришдилар.

Ўтган йили биринчи группада беллашган, бу йил эса олий лигада қатнашаётган «Автомобилист» дастлабки баҳсдаёқ ўзининг чиройли ўйини ва ажойиб комбинацияси билан кучли рақиб устидан ғолиб келди ва мухлислар ҳурматини қозонди.

КУБОК МУСОБАҚАЛАРИ

Мамлакат биринчилиги учун иккинчи эшелонда қатнашаётган 9 та мастерлар командаси ҳамда республика ўқувчилар терма командаси республика кубоги учун мусобақаларни бошлаб юборди. Учрашувлар Тошкент шаҳри ва Тошкент области стадионларида ўтказилмоқда.

Тўйтепадаги «Юбилей» стадионида Гулистоннинг «Пахтачи» футболчилари республика ўқувчилар терма командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Пойтахтдаги «Спартак» стадионида эса Навоийнинг «Зарафшон» ва Термизнинг «Автомобилист» коллективи куч синашди. Навоийликлар 3:2 ҳисобида устун келишди. «Политотдел» стадионида эса «Янгиер» — «Жиззах» ҳамда «Нефтяник» (Фарғона) — «Динамо» (Самарқанд) коллективлари учрашди. Бунда Сирдарё футболчилари 3:0, фарғоналиклар эса 2:0 ҳисобида устунликка эришдилар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 02250. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64633. В. 2503.